

Бу йил Рамазон ойида тўрт юз мингдан ортиқ киши умра зиёратига боради



14:55 / 25.03.2022 2648

Ҳаж ва умра вазири ўринбосари, доктор Абдулфаттоҳ Машат Asharq Al-Awsat газетасига берган маълумотида кўра, 2022 йил муборак Рамазон ойида Умра зиёратига бориш истагида бўлганлар сони кўп эканлигини маълум қилди. Бу йил Масжидул Ҳарам Рамазон ойида 400 мингдан ортиқ зиёратчиларни қабул қилиши кутилмоқда.

Умра хорижлик саёҳатчилар учун кенг очиқ. Саудия Арабистони Рамазон ойида саёҳатчилар сонини чекламайди, бироқ зиёратчиларнинг кунлик сони Ҳаром масжидининг сиғимига қараб белгилаб қўйилган бўлиб, одамларнинг ҳаддан ташқари кўп тўпланишига йўл қўймайди.

Маълумки, икки муқаддас масжид ҳозирда ҳар куни юз минглаб зиёратчиларни қабул қилмоқда.

Машатнинг сўзларига кўра, коронавирус чекловларни олиб ташлаш сиёсати қиролликдаги пандемия ҳолатини инобатга олган ҳолда олиб борилган. Бундан ташқари, у соғлиқни сақлаш вазири томонидан ишлаб

чиқилган Eatmarna иловасини бутун дунёдан зиёратчилар учун расмий жараёни осонлаштиришда катта рол ўйнаганини эътироф этди.

Доктор Абдулфаттоҳ Машатдан бу йил муқаддас сафарга чиқадиган зиёратчиларнинг тахминий сони ҳақида сўралганда: «У Соғлиқни сақлаш вазирлиги пандемия ривожланиши ва унинг таъсирини баҳолаётганини ҳисобга олиб, айтишга ҳали эрта эканлигини айтди».

Шунингдек, у Саудия Арабистони қанча зиёратчини қабул қилишига чек қўймаганини таъкидлади. Ҳозирда Умра зиёратига рухсат олган ҳар бир кишини Қироллик қабул қилади.

Хуршид

Маъруф тайёрлади